Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни Жаҳон банкининг вице-президенти Иоханесс Линн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ушбу ташрифингиз сизга Ўзбекистонда Жаҳон банки кредитлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси билан янада яқинроқ танишиш имконини беради, — деди Ислом Каримов. — Бугунги кунда Оролбўйи ҳавзасидаги экологик аҳволни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, умуман, глобал экологик фонд ва бошқа қатор муҳим йўналишларда Жаҳон банки Ўзбекистонга кўрсатаётган ёрдам эътиборга молик.

1992 йилдан буён Жаҳон банкининг тўла ҳуқуқли аъзоси саналган Ўзбекистон мазкур молиявий ташкилот билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпти. Жаҳон банки таркибидаги Тикланиш ва тараққиёт халқаро банки 1992 йилдан буён то бугунга қадар мамлакатимизга умумий миқдори 322 миллион АҚШ долларига тенг кредит берган. Мамлакатимизда Жаҳон банки билан ҳамкорликда 1998-2000 йилларда амалга оширилажак янги лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 313 миллион АҚШ доллари атрофида баҳоланаётир.

Жаҳон банки вице-президенти Иоханесс Линн самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор этди. У Жаҳон банки билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзА)



Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қ. Ж. Ҳаққуловни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқаруви раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Қайим Жалилович Ҳаққулов соғлиғи ёмонлашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқаруви раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 21 сентябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 22 сентябрь, сешанба • № 114 (23.351).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бу дунёнинг ишлари

Навбатдаги сессия очилди

Кеча Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси очилди. Бугун унда АҚШ Президенти Билл Клинтон, Жанубий Африка Республикаси раҳбари Нелсон Мандела, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий ва Япония Бош вазири Кейдзо Обути сўзга чиқадилар. Эрон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисида иштирок этиш учун Нью-Йоркка 12 йил ичида биринчи бор келиши. Ҳотамий халқаро анжуман жараёнида Америка раҳбарлари билан учрашмайди. Уни кузатиб бораётган ташқи ишлар вазири Камол Харразий Эрон — Афғон чегарасидаги вазият юзасидан бўладиган мунозараларда иштирок этади. Эрон парламентининг спикери Натег Нурий дўст мамлакатларни толибонлар билан алоқа қилишни тўхтатишга чақирди.

Ваҳшийлик

«Толибон» ҳаракати аскарлари ўзлари босиб олган ҳудудларда ваҳшийликни давом эттиришмоқда. Масалан, улар ўтган ҳафта эгаллаб олган Бамиан вилояти марказида бир неча юз кишини йўқ қилишди. Бу ҳақда БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий бошқармаси комиссарининг вакили ишончли манбаларга таяниб айтди. Қурбонларнинг кўпчилиги асосан хазорийлардир. Этник жиҳатдан майда миллатлар ҳам азобларга дучор этилмоқда. Айниқса, аёллар қийноққа солинмоқда. Ҳозирча Бамианда қурбон бўлганларнинг аниқ сони номаълум. Бироқ БМТ толибларга мурожаат қилиб, аҳолига нисбатан ваҳшийлик қилишни тўхтатишга чақирди.

Тинч йўл билан бартараф этмоқчи

Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий толибонлар билан юз берган можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканлигини билдирди. Бироқ толибонлар яна икки Эрон фуқаросини қамоққа олиб, ўз қўл остидаги эронликлар сонини 42 нафарга етказишди. Афғонистон билан чегарада 200 мингга яқин Эрон аскари тўпланиб қолганлиги тахмин қилинмоқда. Бироқ Ҳотамий уруш олдини олиш учун бутун куч-гайратини сарфламоқчи эканлигини билдирди. Ҳотамий БМТга мурожаат қилиб, толибонларга таъсир кўрсатишни илтимос қилди.

Полицияда — аёллар

Эрон парламенти аёлларга полицияда хизмат қилишга рухсат бериш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Янги қонунга кўра, аёллар полицияга қабул қилинаётган пайтда ислом талабларига риоя этиши шарт. Аёллар асосан хотин-қизлар учун ҳайдовчилик гувоҳномалари ва паспортларни ҳужжатлаштириш, аёллар турмаларида қўриқчилик қилиш ва аёлларни шахсан текширишда иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборoти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 22 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари 104,98 сўм.

“Президент кубоги” турнири якунланди

Теннис мамлакатимизда энг оммавий спорт турларидан бирига айланиб бормоқда. Сўнгги йилларда юзлаб шаҳар ва қишлоқларимизда теннис кортлари қурилди. Бугун ўн минглаб юртдошларимиз спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Қисқа фурсатда ўлкамиздан кўплаб таниқли теннис усталари етишиб чиқди. Олег Огородов, Вадим Куценко, Темур Ғаниев, Дмитрий Томашевич, Ирода Тўлаганова каби теннисчиларимизни нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам яхши билишади. Ўзбекистонлик теннисчилар бу йил норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган “Дэвис кубоги” баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, кучлилар гуруҳига йўлланма олди.

Юртимизда тенниснинг бунчалик тез ривожланиб ва оммалашиб кетишида Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бевосита юртбошимизнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда кетма-кет қатор халқаро теннис турнирлари бўлиб ўтмоқда. “Президент кубоги” турнири шундай мусобақаларнинг энг йириги ҳисобланади.

20 сентябрь куни пойтахтимизнинг муҳташам “Юнусобод” теннис мажмуида бешинчи бор ўтказилган “Президент кубоги” турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, ушбу мусобақанинг нуфузи тобора ортиб, “Эй-Ти-Пи - Тур” сериясига киритилган халқаро турнирлар ичида ўз ўрнига эга бўлди. Бу йилги турнирга Тим Хенман, Евгений Кафельников, Седрик Пиолин, Марат Сафин, Марк Россе, Николас Эскуди, Стефано Пескосолидо сингари машҳур теннис юлдузларининг ташриф буюргани ҳам буни тасдиқлайди.

Бинобарин, “Президент кубоги” турнирининг финал баҳсида бугунги кунда сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари сафидан жой олган икки машҳур спортчи - россиялик Евгений Кафельников ва турнирнинг ўтган йилги ғолиби - буюк британиялик Тим Хенман учрашди.

Е.Кафельников ва Т. Хенман шу кунга қадар халқаро турнирларда ўзаро етти бор учрашган. Уларнинг бештасида россиялик спортчи, иккитасида эса Буюк Британия вакили ғолиб чиққан. Теннис мусобақасига келган минглаб мухлислар ажойиб баҳснинг гувоҳи бўлди. Ҳар икки спортчи ҳам жуда чиройли ўйин кўрсатиб, томошабинлар олқишини олди.

Қизғин курашлар остида ўтган бу учрашув Тим Хенманнинг ғалабаси билан якунланди. У рақибини икки сетда 7:5 ва 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, Т. Хенман кетма-кет иккинчи марта Президент кубогини қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди. Маросимни очар экан, “Президент кубоги” халқаро турнири ташкилотчиси Сассон Какшури Ўзбекистон Президенти кубоги учун бўлаётган баҳслар йилдан-йилга кенгайиб, иштирокчилари сони ортиб бораётганини таъкидлади. Мусобақалар юксак савияда ташкил этилди. Буни турнир иштирокчилари ҳам, ҳакамлар ҳам, меҳмонлар ҳам таъкидлашмоқда. Мен барча турнир қатнашчилари номидан Президент Ислом Каримовга, мазкур мусобақанинг ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдираман, деди Сассон Какшури.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бешинчи халқаро теннис турнири ёпилиш маросимида сўзлаган нутқида ғолибларни қутлар экан, ушбу мусобақада чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни хушнуд қилгани учун турнирда иштирок этган барча теннисчиларга миннатдорлик билдирди. Ислом Каримов турнирнинг финал баҳси айниқса, қизиқарли ўтганини таъкидлаб, ҳар икки теннисчи ҳам юксак савияда ўйин намойиш этганини айтди. Бугунги мусобақада маҳорат ғалаба қозонди, деди Президент.

Турнир телевидение орқали жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатига намойиш этилгани биз — ўзбекистонликларни қувонтирмаслиги мумкин эмас, деди Президент. Демак, “Президент кубоги” турнири жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом Каримов турнирнинг бош соврини — соф кумушдан ишланган, ўта нафис жило берилган кубокни Тим Хенманга топширди. Таомилга биноан, ғолибга ва финал ўйин иштирокчисига зарбоф тўн ва дўппи кийдирилди.

Турнир ғолиби Тим Хенман самимий муносабат учун мамлакатимиз раҳбарига ташаккур изҳор этар экан, Тошкент кортлари ўзи учун жуда омадли эканини таъкидлади. “Президент Ислом Каримов қўлидан кетмакет иккинчи бор кубокни олишга муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Кейинги йил ҳам “Президент кубоги” турнирида қатнашиш ниятим бор”,— деди у.

— Тошкентда ўзимни уйимдагидек ҳис этдим, — деди финал баҳси иштирокчиси Евгений Кафельников. — Шундай ажойиб кошонада, бунинг устига ўйинингни Президент кузатиб турган бўлса, теннис ўйнаш шарафдир. Тошкент том маънода халқаро теннис мусобақалари марказига айланиб бормоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги биронта мамлакатда спортга, айниқса теннисга бундай катта эътибор берилганини кўрмаганман. “Юнусобод” теннис мажмуи дунёдаги энг замонавий кортлардан бири десам ҳеч муболаға қилмаган бўламан.

“Президент кубоги” халқаро теннис турнири ниҳоясига етди. Ислом Каримов мусобақани ёпиқ, деб эълон қилди. Давлатимиз мадҳияси янграб, турнир байроғи туширилди.

“Президент кубоги” турнирининг ёпилиш маросимида Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти Кубоги учун ўтказилган Бешинчи Халқаро теннис турнирининг ёпилиш маросимида сўзлаган нутқи

Теннис бўйича Халқаро турнирнинг муҳтарам иштирокчи ва ташкилотчилари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилган Бешинчи турнир ниҳоясига етди.

Бу турнир таркиби ва ташкил этилиши, унда жаҳондаги энг машҳур спортчилар иштирок этгани Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам миллионлаб теннис мухлислари ва ишқибозлари хотирасида, шубҳасиз, ёрқин из ва ўчмас таассурот қолдирди, десам хато бўлмайди.

Бугун якунланган мусобақа жаҳонда спортнинг бу чиройли ва қизиқарли турининг марказларидан бири бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиздаги барча теннис мухлислари учун ҳақиқий байрам бўлди.

Кескин курашлар билан ўтган етти кун ортда қолди. Биз шу кунлар давомида ўттиздан ортиқ мамлакатдан келиб, спортнинг бу мароқли тури мухлисларининг юксак ҳурмат ва меҳрини қозонган катта теннис усталарининг ажойиб ўйинини кўриш имконига эга бўлдик.

Буюк Британиялик Тим Хенман, россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин, франциялик Седрик Пиолин ва Николас Эскуди, швейцариялик Марк Россе, италиялик Стефано Пескосолидо ва Лауренце Тилеман, аргентиналик Гастон Этли, германиялик Карстен Браш, исроиллик Эвал Ран ва Харел Леви, Жанубий Африка Республикаси спортчиси Невилл Годвин, нидерландиялик Рож Вассен ва Синг Шалкен ҳамда бошқа кўплаб спортчилар шулар қаторига киради.

Уларнинг, Евгений Кафельников, Тим Хенман, Марк Россе сингари кўпчилиги халқаро Тошкент турнирида анчадан бери иштирок этади ҳамда ўзбек халқининг қадрдон дўстларига айланиб қолган. Иштирокчилар орасида Ўзбекистонга биринчи марта келган ва ўзининг ажойиб ўйини билан бу турнирга, шубҳасиз, кўрк бағишлаган спортчилар ҳам бор. Мен Ўзбекистон Президенти Кубоги учун ўтказиладиган кейинги мусобақаларда уларнинг исмини такрор-такрор эшитамиз ҳамда уларнинг маҳоратидан завқ оламиз, деб умид қиламан.

Азиз дўстлар!

Бешинчи Тошкент халқаро турнири ташкилотчиларига, хусусан, қадрдон дўстимиз жаноб Сассон Какшурига, Кубок директори жаноб Ян Форманга ҳамда турнир супервайзери жаноб Том Барнсга мусобақанинг юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик сўзларини айтишга ижозат бергайсиз.

Ажойиб ҳакамлик учун бош ҳакам Даниэл Геллея бошчилигидаги ҳакамлар бригадасига ҳам ташаккур изҳор этаман.

Мана шу кунлар мобайнида мусобақани юксак савияда ўтказишда хизмат қилган, ўзининг кўзга ташланмас меҳнати билан уни катта байрам, катта томошага айлантирган барча-барчадан миннатдорман.

Азиз дўстлар!

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакилларига ҳам самимий миннатдорлик сўзларини айтмасдан ўтолмайман. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам теннис мухлислари ва ишқибозлари ҳаяжонли мусобақалардан лаззатланиш, спортчиларнинг мардона курашини кузатиш имконига эга бўлди.

Турнир телевидение орқали жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатига намойиш этилгани биз — ўзбекистонликларни беҳад қувонтиради.

Мана шу ажойиб залда ўтирган азиз томошабинларга, шу кунлар мобайнида турнир иштирокчиларини қўллаб-қувватлаган, улар билан бирга ҳаяжонланган, ғалабаларидан хурсанд бўлган барча кишиларга ташаккур билдираман.

Ўзининг қалб ҳароратини мусобақа иштирокчилари билан баҳам кўрган, ўзбек халқига хос кўнгли очиқлик, бағри кенглик ва ҳақиқий шарқона меҳмондўстликни намоён қилган барча фуқароларга ва тошкентликларга миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Мусобақа финалчилари, катта ракетканинг машҳур усталари Евгений Кафельников ва Тим Хенманни мардлиги, жасорати, ёрқин ва фидокорона ўйини учун қутлаш ҳамда уларга тасанно айтиш менга катта мамнуният бахш этади. Улар, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқи ва барча спорт мухлисларининг меҳрини қозонган.

Икки номдор теннисчининг бу ўйини мана шу залда ўтириб ҳамда телевизор экрани орқали томоша қилган барчага улкан мамнуният бахш этганига ишончим комил.

Азиз дўстлар, сизларнинг номингиздан, миллионлаб теннис мухлислари номидан мусобақа ғолиби Тим Хенманни табриклаш ҳамда унга бош соврин — кумуш “Президент кубоги”ни топширишга ижозат бергайсиз.

Иккинчи финалчи Евгений Кафельниковни мардона кураши, юксак маҳорат ва чиройли ўйини билан самимий табриклайман ҳамда миннатдорлик туйғуларини изҳор этаман.

Мана шу залда ўтирганлардан яна бир бор ўрнидан туриб, ғолибни ҳамда мусобақанинг барча иштирокчиларини қутлашни илтимос қиламан. Уларга сиҳат-саломатлик, халқаро теннис мусобақаларида омад ва янги-янги ғалабалар тилайман.



Суратда: (чапдан) Евгений Кафельников ва Тим Хенман.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Янги раис сайланди

1998 йил 21 сентябрь куни «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси иштирокчиларининг йиғилиши бўлди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раиси Қ. Ж. Ҳаққулов соғлиғи ёмонлашгани муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

Илгари узоқ йиллар мобайнида мазкур корпорацияда раҳбарлик лавозимларида ишлаган, кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти бошлиғи бўлган Ибрат Анварович Зайнутдинов «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раиси этиб сайланди.

(ЎзА)

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

«Нафсим менинг балодур...»

Мингбулоқ туман халқ банкининг Алами маҳалласидаги 3582/038-бўлими биноси олди одамлар билан гавжум. Текширувчилар ташқарида турган омонатчиларни кўргазма бериш учун ичкарига бирма-бир таклиф этишяпти. Хонага фуқаро Унсиной Ҳожиматова кирди.

— 172-ҳисоб сизникими? — сўрашди ундан суриштирувчилар.

— Ҳа, меники.

— 1997 йил 7 май куни омонатингиздан 1000 сўм, 26 октябрь куни эса 2800 сўм чиқим ҳисоби орқали жами 3800 сўм олганингиз тўғрими?

— Йўқ, сира ҳам олган эмасман.

— Бу имзо сизники бўлса керак?

— Меники эмас...

— Демак, сизнинг ўрнингизга бошқа киши имзо чекиб, жамғармадаги пулингиздан олибди-да, — сўрашди ундан текширувчилардан бири.

— Эҳтимол шундай бўлгандир. Лекин менинг бундан асло хабарим йўқ.

Хонага фуқаро Мунисой Қосимова таклиф этилди.

— 116-ҳисоб рақами сизга очилганми?

— Ҳа, шундай.

— 1997 йилнинг 12 декабрь куни жамғармангиздаги пулингиздан 3500 сўм олганингиз ростми?

— 500 сўм олганман холос.

— Ҳужжатда 3500 сўм қайд этилган-ку?

— Бўлиши мумкин эмас.

Текширувчилар чиқим ҳисобини кўрсатишди. М. Қосимова ундаги «3500» рақамини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ундай бўлса, сиз 500 сўм олганингиздан кейин унинг олдига «3» рақами қўйилиб, 3500 сўм қилиб ўзгартирилган кўринади.

— Эҳтимол.

Текширувчилар Мамлакат Абдужабборова билан суҳбатлашишди. Аниқланишича, унинг жамғармасида 2250 сўм моддий ёрдам пули бўлган. У ҳар гал ана шу пулни сўраб келганида назоратчи «пул йўқ, хабар олиб туринг, оласиз» деб қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб юрган. У текширувчилардан сўраб билсаки, жамғармасида бўлган 2250 сўм пулни назоратчи ясама чиқим ордери орқали олиб, ўзлаштириб юборган экан. Ана холос! Бунга нима дейиш мумкин энди?

Икромжон Эргашев шу даражага бориб етдики, у ҳатто моддий ёрдам ва болаларига нафақа олувчиларга ҳамда камбағал таъминланганларга тегишли бўлган жамғармаларга ҳам кўз олайтириш одатини чиқарди. У моддий ёрдамга муҳтож оилалар, қолаверса, болаларнинг манфаатидан ўз жиғилдонини устун қўйди. Уларга тегишли бўлган пулга ҳаром чангалини солди.

Шундай қилиб Икромжон, Шарофат Исмоиловага тегишли 1000 сўм, Зуҳра Абдуқодировага тегишли 1000 сўм, Шодмоной Асқаровага тегишли 1000 сўм, Муҳаррамхон Аҳмедованинг 4000 сўм, Мавлуда Эсонованинг 2000 сўм, Одина Хўжамбердиевaнинг 3500 сўм, Унсиной Ҳожиматованинг 3600 сўм, шу каби 12 омонатчининг ҳисобидаги 35600 сўм пулни ясама чиқим ордери билан олиб, унинг 25550 сўмини ўзлаштириб юборади.

Шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Алами маҳалласи бўйича болалар нафақа пули ва моддий ёрдам олувчиларга тарқатиш учун туман халқ банки томонидан шу йил 6 март куни ажратилган 43036 сўм пулни бўлимга кирим қилади. Шундан 36476 сўмини «мижозларга тақсимлаб берилди» деб халқ банкининг туман бўлимига ҳисобот тақдим этади. Аслида у ана шу пулни унинг эгаларига бермайди. Шу йўл билан нафақа олувчи мижоз Феруза Ҳамроқуловага тегишли бўлган 1312 сўм, Мамлакат Абдужабборовага берилиши керак бўлган 1312 сўм нафақа ва 2050 сўм моддий ёрдам пулини, Инобат Мамажоновага тегишли 1850 сўм моддий ёрдам пулини, Садбарой Матоировага берилиши лозим бўлган 1312 сўм нафақа ва 2200 сўм моддий ёрдам пулини, жами 18 кишига берилиши лозим бўлган 20206 сўм нафақа ва 14500 сўм моддий ёрдам пулини олиб чўнтакка уради.

«Алами маҳалласида яшовчи болаларга нафақа ва моддий ёрдам олувчи аёлларга байрам арафасида пул берилмабди», «Туман халқ банкининг 3582/038-бўлимида текшириш ўтказилармиш» деган нохуш хабарни эшитгач, Икромжон Эргашев аллақаёққадир қочиб кетади. Жиноятдан қутулиб бўлмаслигини англагач, яна маҳаллада пайдо бўлади. Ҳозир Алами маҳалласида дув-дув гап. Туман халқ банкининг бу ердаги 3582/038-бўлими назоратчиси Икромжон Эргашевнинг қилмиши хусусидаги «миш-миш»лар ҳамманинг оғзида.

Назоратчи Икромжон Эргашев жиноий ҳаракати учун жавоб беришдан қўрқиб, жуфтакни ростлаб қолган, туман халқ банки Алами маҳалласи бўлимида тафтиш бошланган кунларда судланувчининг отаси Эрмамат ва акаси Намозали Эргашевлар ҳаракатга тушиб қолишади. Намозали қаёкдандир моддий ёрдам, болаларига нафақа олувчи фуқаролар ва омонатчиларнинг рўйхатини топиб олиб, уларнинг баъзиларига ўзига қарашли бўлган пулни тарқатади. Улар орасида Назокат Эргашева, Одина Эрматова, Садбарой Матоирова, Феруза Ҳамроқулова ва бошқа фуқаролар нафақа пулларини оладилар. Н. Эргашев пул етмаган фуқароларга эса «пул олдим» деб қўл қўйдириб чиқади. Ота-боланинг бундан кўзлаган мақсади Икромжонни жиноят ботқоғидан тортиб олиш эди. Лекин улар фуқароларга келтирилган зарарни қисман қоплаш билан жиноятдан қутулиб қолиш мумкин эмаслигини, аксинча бу қалтис ҳаракат учун жазо кутаётганини тушунмас эдилар.

Тергов жараёнида Икромжон Эргашев томонидан ўзлаштирилган фуқароларнинг жамғармалари, аёлларнинг моддий ёрдам ва болалари учун олишаётган нафақа пуллари ҳисоб-китоб қилинди. Чўнтакка урилган омонат пули 25550 сўмни, нафақа пули 20200 сўмни, моддий ёрдам пули эса 14300 сўмни ташкил этди.

Инсофсизга эрк берсанг, ҳар ишни қилади деганларидек, Икромжон ҳам 1997 йилнинг 21 январидан бўлимни бошқариб-ю, босар-тусарини билмай қолди. Унинг бутун фикри мижозлар маблағи ҳисобига бойишга қаратилди. Шу йўлда турли найранг, ҳийлани ишга солди. Фуқароларнинг омонатига хиёнат қилди. Оналарга тегишли моддий ёрдам ва нафақа пулларини жиғилдонига уришдан қўрқмади. Охири фуқароларнинг, қолаверса, ғўдакларнинг ҳаққи урди. Туман суди Икромжон Эргашевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бир қатор моддаларидаги жиноятни содир этгани учун ўзига тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Маҳмуджон АЗИЗОВ,
Мингбулоқ туман прокуратурасининг терговчиси.

Кўламни кенг олиб

Партиямиз ўзининг жозибадор ғоялари билангина эмас, амалий ишлари билан ҳам эл ўртасида катта обрўга эга. Партиямиздан сайланган депутатлар ҳар ойда бир марта ўз сайловчилари билан учрашиб турибдилар.

Бу борада шаҳар кенгаши депутатлари М.Туропов, Ф.Раҳмонов, К.Каромова, Г.Убайдуллаев, Т.Тўлановларнинг фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим.

Шаҳар партия кенгашининг фаолиятини кучайтириш мақсадида, шаҳар 7 та ҳудудга бўлинган бўлиб, ҳар бир ҳудудга кенгаш, ижроия бюро, тафтиш комиссияси аъзолари, шаҳар кенгаши депутатлари ва кенгаш аппарати масъул ходимлари биркитилган. Ҳар бир ҳудудда белгиланган режа асосида семинар кенгашлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва фаол бошланғич партия ташкилотларининг намунали фаолиятини оммалаштириш бўйича ишлар олиб борилади.

Шаҳар кенгаши шаҳарда фаолият кўрсатаётган «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, Хотин-қизлар кенгашлари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари билан ҳамкорлик шартномалари тузган. Қатор тадбирларнинг ҳамкорликда ўтаётгани яхши натижалар бераяпти. Жумладан, аксарият партия ташкилотларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилди. Айниқса, «Қаршинефтгазқидирув» бошқармаси, «Шайхали» қўрғони кенгаши, «Қаршигазлаштириш» бошқармаси, вилоят болалар шифохонаси, 6- ҳунар-техника мактаби, кўз касалликлари шифохоналари бошланғич ташкилотлари ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Партия ҳаёти

Белгиланган тадбирларга асосан жойларда партия сафларини мустаҳкамлаш, партия фаолиятини кучайтириш, аъзолар сонини ўстиришга, шу билан Президент Фармонларининг жойларда бажарилишини таъминлашга катта эътибор бераяпмиз. Ҳозир 210 та бошланғич, 41 та ҳудудий партия ташкилотлари мавжуд.

Ўтган йилда 221 киши партия сафига қабул қилинди. Уларнинг 131 нафари хизматчи, 90 нафари ишчи, 107 нафари хотин-қизлар ва 1149 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Сафларимиз 131 нафар олий, 84 нафар ўрта маълумотли мутахассислар билан мустаҳкамланди. Айниқса, «Қашқадарё пармалаш ишлари» корхонаси, Ёғ-экстракция заводи, «9-алоқа автокорхонаси», «КашТЭКС», «Самарқанд», «Маҳоллот», «Гулшан» маҳаллаларида партия сафлари сезиларли ўсди ва мустаҳкамланди.

Р.МУРТАЗАЕВ,
ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши котиби.



Андижон вилоятидаги очиқ турдаги «Баликчи» ҳиссадорлик жамиятида сифатли газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда иқтисодий ислоҳотлар кенг амалга оширилаётгани туфайли маҳсулот сифати ошиб, одамларнинг манфаатдорлиги кўтарилмоқда.

СУРАТДА: **корхона муҳандиси Юсуфжон Умаров, тайёрлов бўлими бошлиғи Абдуразоқ Саидқулов, ишчилардан Муяссархон Акрамова ва Шаҳзодахон Саримсоқовалар.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Дунё дарчаси



Қарздорликнинг оқибати ёмон

АҚШ конгресси мамлакатнинг БМТ олдидаги қарзларини узиш учун ўз вақтида маблағ ажрата олмайдиганга ўхшайди. Бунинг оқибати эса ёмон бўлиши мумкин. Яқин ойларда Вашингтон Бош Ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб туради. Кўплаб америкаликлар эса БМТ билан муносабатларни бузмаслик кераклигини айтишмоқда. Масалан, сўровларга кўра америкаликларнинг олтмиш фоизи БМТ савобли ишларни бажармоқда, деди. Аҳолининг 72 фоизи эса ушбу ташкилот Қўшма Штатлар учун ўта муҳим, деб ҳисобламоқда. 93 фоиз одамлар эса АҚШ БМТнинг фаол аъзоси бўлиб қолиши тарафдори эканликларини билдиришди.

Уй-жойлар кўпайтирилади

Исроил ҳукумати яҳудийлар яшайдиган манзилларни кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Қуддус шаҳрининг шарқий — араблар яшайдиган қисмида 6,5 минг янги уй-жойлар яҳудийлар учун қурилмоқчи. Бундан ташқари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Иҳар аҳоли пункти 10 баравар кенгайтирилмоқчи. Исроил бош вазири Нетаньяхунинг маслаҳатчиси Бар-Иллан аҳолининг уй-жойга бўлган талаби ошиб бормоқда, деди. Нетаньяхуга қарши бўлганлар эса Иҳардаги уй-жойлар бўш ётганлигини айтишмоқда. Фаластинликлар эса, Исроил ҳукуматининг бу қарорини АҚШнинг тинчлик йўлидаги уринишларига қарши навбатдаги зарба, деб ҳисобламоқда.



Лондонда ҳам осмонўпар бинолар кўп

Замирида кўп маъно

Таҳририятимизга ҳар куни кўплаб хатлар келади. Уларни бирма-бир эътибор билан варақларканмиз, мамлакатимизнинг турли шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган хайрли ишлар, янгиликлар ҳақида хушхабарларни ўқиб, хат йўллаган муаллифлар қувончига шерик бўлгимиз келади. Албатта, кўпчилик муаллифларимиз жойларда бунёд этилаётган улкан иншоотлар, қўшма корхоналар, янги-янги ишлаб чиқариш шаҳобчалари фаолиятлари ҳақида тўлқинланиб ёзадилар. Юртимиз истиқлоли туфайли ҳақиқий рўшнолик кўраётган меҳнаткаш халқимиз ҳаётидан илҳомланиб ёзилган хат-хабарлар талайгина.

Хатлар, хатлар, хатлар

Фиждувон шаҳридан **Олияхон Жўраева**нинг «Миннатдорчилик мактуби»да шундай сатрлар битилган:

«Тошкент-Фиждувон» йўналишида қатнайдиган йўловчилар 02-64 БХН давлат рақами бўлган «Икарус» автобуси ҳайдовчиси Ҳамиджон ака Жўраевни яхши танийдилар, ҳурмат қиладилар. Қарийб ўттиз йилдан бери элимизга ҳалол хизмат қилаётган болаларимнинг отаси билан ҳақли равишда фахрланамиз. Саккиз нафар фарзандимиз ҳам ота изидан боришга иштиёқманд. Оила йили айниқса бизнинг оила учун чинакам бахт келтирди. Оила бошлиғимизнинг узоқ йиллик самарали меҳнатларини инобатга олиб ҳамда ўғил-қизларимиз соғлом авлод бўлиб улғайиши учун ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Фиждувон шаҳридаги 33-автотранспорт корхонаси томонидан оиламизга «РАФ» русумли автомашинаси берилди».

Каттақўрғон туманидаги «Қўшҳовуз» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи пенсионер **Файзулла ота Тошев** «Тинчлик абадий бўлсин» сарлавҳали хатида шундай ёзади:

«Жаннатий ҳаёт ҳам, чинакам бахт ҳам тинч-осуда ватанда барқ уради. Биз — уруш заҳматларини чеккан катта авлод бугунги тинчликни қадрлаш тўғрисидаги сўзларни ҳаяжонсиз баён эта олмаймиз. Минг афсуски, бугун ҳам курраи заминимизнинг аллақаерларида, хусусан, айрим чегарадош давлатлардаги нохуш гаплар одамнинг кўнглига ғулғула солади. Шундай кезда ойнаи жаҳон орқали юртбошимиз Ислом Каримовнинг нурли чеҳрасини кўриб дилим равшан тортади. У кишининг тинчликни барқарор сақлаш борасидаги саъй ҳаракатлари барчамизда бахтли яшашга умид уйғотади».

Шундай мазмунда хатлар йўллашган поплик **Валияхон Саидова**, чироқчилик **Фахриддин Норматов**, деновлик **Насиба Темур қизи**, иштихонлик **Ўктам Усмонов**ларнинг дил сўзларида ҳам тинч-осуда яшашга умидворлик туйғуси устувордир. Албатта, бундай туйғу барчанинг қалбида бирдек жўш ураётган бўлса ажабмас.

Тинчлик мавзусида гап кетар экан, айрим муаллифларимиз инсоният тарихидаги битмас жароҳат бўлиб қолган иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳақида ҳам тўлқинланиб ёзадилар. Фарғона туманидаги Водил қишлоғида истиқомат қилувчи **Собиржон Дадахўжаев**нинг «Қаҳрамонликка мангу машъала» сарлавҳали мақоласида жасур жангчи Йўлдош Азимовнинг матонатлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Кузатувчан газетхонларимиздан «Наврўзий мушоира», «Ватан туйғуси» каби ўйланмаларга кўплаб жавоблар олдик. Уларнинг барчаси ўйланмага тўғри жавоб йўллашга ҳаракат қилганлар. Форишлик **Яшин Қобилов**, оқолтинлик **Обид Тошпўлатов,** ғузорлик **Жасур Қурбонов**, бекободлик **Фозил Очилов**, Қўнғирот шаҳридан **Роза Нуриллаева,** яккабоғлик **Нодира Жўраева,** касбилик **Жўра Чоршанбиев**, қаршилик **Соҳиба Ҳайдарова,** андижонлик **Матлуба Қурбонова,** тўрткўллик **Шарофиддин Боғиев,** қашқадарёлик **Наргиза Хидирова, Акмал Баратов**, қамашилик **Ҳаким Жумаев**, **Дилафрўз Соатова**, марҳаматлик **Раҳматжон Умирзоқов,** шаҳрисабзлик **Озода Абдиева, Наргиза Тўраева**, форишлик **Лобар Холбекова**, қизилтепалик **Динора Шарипова,** сирдарёлик **Ҳилола Соибназарова** ва **Санам Азизбоева,** бекободлик **Абдумажит Фармонов,** паркентлик **Абдусоат Мажидов**, учқўприклик **Бахтиёржон** ва **Иқболжон Абдураҳмоновлар** зукколик билан топган жавобларидан уларнинг қанчалик изланувчан, қизиқувчанликларини англаш мумкин. Айрим топқирлар ҳатто ўзлари янги ўйланмалар, бошқотирмалар устида изланаётганликларини баён қилишган. Албатта, кўпчиликнинг талаб ва истакларига мос келадиганларини ўз навбатида газетамиз саҳифаларида ёритиб бораверамиз.

Урганчлик жамоатчи мухбиримиз **Амин Эшматов** жойларда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳозиржавоблик билан хабарлар йўллаётгани таҳсинга лойиқдир. «Урганч шаҳрида янги замонавий «Халқ банки» биноси фойдаланишга топширилди, — деб ёзади у. — Айни пайтда тўлиқ компьютерлаштирилган банк ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатаётир».

Андижонлик журналист **Сирожиддин Ҳасанов**нинг «Оила — муқаддас даргоҳ» сарлавҳали мақоласида вилоятда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинган. Шунингдек, тошкентлик **Ҳаким ота Мансуров**, сурхондарёлик **Насибахон Сувонова**, тошкентлик **Кошифхон Носиров**, бухоролик **Акбар Ҳайдаров,** навоийлик **Бўригул Раззоқова,** фарғоналик **Нурмат Ҳайдаров**, самарқандлик **Яллибой Нуриддинов**, қорақалпоғистонлик **Усмон Исмоилов**, қўқонлик **Муҳаммад Бегматов** ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Хат ортида инсон бор, деган ақида барчага маълум. Таҳририятимизга келган ҳар бир хат ҳамиша эътибор билан ўрганилади. Ўта долзарб мавзудаги хабар ва мақолалар ҳозиржавоблик билан газета саҳифаларида ўз аксини топаверади. Инчунин, мазкур таҳлилномада исм-шарифлари қайд этилган фаол жамоатчи мухбирларимизнинг ҳам келгусидаги ижодий изланишларига муваффақиятлар тилаймиз.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ.

Мустақиллик ва ҳуқуқий

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик — халқимизни коммунистик мафкуранинг тазйиқи, тобелик ва зулмат йўлидан қутқазган офтоб янглиғ чарақлаб келди.

Мустақиллик — ҳар биримизнинг қалбимизга эркинлик, озодлик, ҳур фикрлилик, янгиланиш, покланиш, қадрият ва ота-боболаримизни таниш каби туйғуларни жойлади.

Мустақиллик — халқимизга ҳуқуқ берди. Мана шу мўъжазгина «ҳуқуқ» деган сўз бугун ва эртамизни белгиловчи мезонга айланиб бормоқда.

Тоталитар тузумни ушлаб туришга хизмат қилган ўтмиш «ҳуқуқи» бугун ҳар биримизнинг онгимиздан ўчиб бормоқда. Лекин у «ҳуқуқ»нинг хизмати — инсон ҳуқуқларини поймол қилиш, уни таҳқирлаш, зўравон давлат тузиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган эди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериб, озод ва суверен давлат Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ушбу тарихий ҳужжатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддаслигини, унинг шаън ва қадр-қимматини таъминлайдиган, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Халқимиз тафаккурида янги дунёқараш, янги онг пайдо бўлди. У қақраб ётган дашту чўлларга ҳаётий зарур бўлган булоқ каби миллатимиз, юртимиз, давлатимиз тақдирини белгилашда, ҳуқуқий онгимиз ва ҳуқуқий маданиятимизнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу булоқнинг сувлари эса шу кунгача қабул қилинган ва яшаш тарзимизни белгилаб бераётган 300 дан ортиқ қонунларимиздир. Мана шу қонунлардаги ҳуқуқий нормалар эса ҳуқуқий онгимизнинг янада тиниқланиши, кенгайишига олиб келмоқда.

Мустақиллик даврида қабул қилинган янги Конституциямиз ҳам Инсон ҳуқуқлари Декларацияси меъёрларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизнинг ҳуқуқларини кафолатлади. Конституцияда биринчи марта «давлат халқ эрки — иродасини ифода этиши, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъуллиги»нинг норма сифатида мустаҳкамланиши инсоннинг тенг ҳуқуқлилиги, баркамол шахс даражасига кўтарилишида ҳуқуқий замин яратди.

Конституцияда фуқароларнинг сиёсий қарашлари, жамоат ташкилотларининг мафкуралари ёки бирон-бир оқимнинг йўли давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигининг ҳам норма сифатида белгиланиши, жамиятнинг эркин ривожланиши, фуқаролик жамиятини тузишдаги кафолатдир. Айниқса, Конституция ва қонунларнинг устунлиги давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан сўзсиз тан олинишининг норма қилиб белгиланиши унинг демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ягона манбаи эканлигини кўрсатади.

Ҳамма инсонлар давлат олдида тенг. Уларга берилган имтиёзлар ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Бу унга берилган имтиёз орқасида бошқа шахсларни камситишга, унинг ҳуқуқини поймол қилишга, шаънини ерга уришга йўл қўймаслик демакдир. Инсон олий қадриятларининг давлат ва жамоат ташкилотлари манфаатидан устун туриши, унга ҳурмат билан қонуний муносабатларда бўлиш ҳамда унинг қадр-қиммати улуғланиши Конституция ва қонунларимизнинг моҳиятини янада оширмоқда. Бу эса ўз навбатида моҳиятни англаш натижасида ҳуқуқий онгдан ҳуқуқий маданиятга ўтиб бориш йўлидир.

Миллий мафкура — ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий қарашлар, турли ғояларнинг бир бутун мажмуидир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият миллий мафкуранинг шаклланишида асосий ва муҳим пойдевор ҳисобланади. Агарда фуқаролар дунёқарашида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий қарашлар устун турса, фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш тез кечади. Афсуски, мустақиллик бизга катта имконият — кенг фикрлаш, эркин яшаш ва давлат бошқарувида эркин қатнашиш ҳуқуқини берган бўлсада, лекин ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, миллий мафкурага асосланиш, фуқаролар ҳуқуқий билимларини ошириш борасида олиб бораётган ишларимизни кўнгилдагидай деб бўлмайди.

1997 йил 29 август куни Олий Мажлис қарори билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тасдиқланди. Миллий дастурда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш асосий вазифалар этиб белгиланган. Баркамол инсонни тарбиялашда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни катта. Дастурда «Инсон-Давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли, дейилади.

Фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантиришда восита ва шакллардан кенг фойдаланиш, бу соҳадаги ҳаракат ва ташаббусларнинг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, қонунларнинг рўёбга чиқарилишида фуқаролар фаоллигини ошириш муҳим тамойил сифатида берилган. Миллий дастур нафақат ҳуқуқ-тарғибот органлари, балки бутун давлат ва жамоат тузилмалари, фуқароларнинг яхлит ҳаётий, кундалик дастури, йўл кўрсатувчи муҳим ҳужжат ҳисобланди. Дастурдаги тадбирларни амалга оширишда ҳар бир фуқаронинг онгли иштироки, ҳуқуқий ва сиёсий қарашлари жуда зарур. Ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилиш шу дастурдаги барча масалалар ҳал этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Дастурни амалга оширишда бир қатор ҳуқуқ институтлари ва давлат, жамоат тузилмаларининг иштирок этаётганлиги ҳам бу соҳага устувор йўналиш сифатида аҳамият берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг доимий чиқишларида «инсон ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилиши лозим»лигини бир неча бор таъкидлаганлар. Бугунги жамиятдаги ўзгаришларнинг асосида инсон манфаати, унинг тақдири, бахт-саодати, келажаги турибди. Инсоннинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилишга эришиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг бош мақсади. Шу жиҳатдан ҳам фуқароларимиз дунёқарашида инсон ҳақ-ҳуқуқларига бўлган ҳуқуқий муносабат шаклланди ва у кун сайин ривожланиб бормоқда. Мустақиллик даврида республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 100 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Бу қонунларда эса инсон ҳуқуқларининг барча кўринишлари олий қадрият сифатида эъзозланиб, мустаҳкамланди. Нафақат фуқароларимиз, балки хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаганларнинг ҳам ҳуқуқларининг қонуний ҳимояси асослари яратилганлиги одил жамият сари бораётганлигимиздан далолатдир.

Инсон ўзини-ўзи ҳурмат қилиши, ўзи хоҳлаган жамиятни барпо этиши, ислоҳотларда онгли равишда қонунлар доирасида қатнашиши ҳуқуқий маданият даражасини белгилайди. Бу соҳада ҳуқуқий маданиятга эришувни янада такомиллаштириш ва тезлаштириш ташкил этилган янги институтларга ҳам боғлиқ.

1996 йил 31 октябрь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказини тузиш ҳақидаги Фармони қабул қилиниши бу соҳада айниқса муҳим бурилиш ясади. Миллий ҳаракат режасининг ишлаб чиқилиши, халқаро ва миллий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари амалиётини умумлаштириш ва тадқиқотлар олиб бориш — Миллий марказнинг бош вазифаси этиб белгиланган. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Вакил ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари комиссиясининг ташкил этилганлиги ҳам ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш кўпроқ ҳуқуқшунос мутахассисларнинг зиммасида эканлиги эса барчага маълум. Ҳуқуқшунос мутахассислар асосан Тошкент Давлат юридик институти, республика Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент, Нукус, Самарқанд, Андижон, Фарғона Давлат университетларининг ҳуқуқшунослик факультетлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро ҳуқуқ факультети, Тошкент Юридик коллежи, Тошкент Ижтимоий таъминот ҳуқуқшунослик техникумларида тайёрланмоқда.

келиб чиқадиган муносабатларга оид ҳуқуқий дунёқараш, ҳуқуқий маданият ҳам шаклланиб бормоқда. Яъни, ҳуқуқий маданият эндиликда бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган қонунларни ўрганиш, халқаро нормаларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида янада ривожланади.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида «Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш — ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир» деган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий йўли фуқаролар ўртасида ҳуқуқий билимларини тарғиб қилиш ҳамда кенг ахборот майдонини шакллантиришдир. 1997 йилда 744 нафар олий, 147 нафар ўрта махсус маълумотли ёшлар, 1998 йилда эса 766 нафар олий, 141 нафар ўрта махсус маълумотлар ўқув юртларини битириб, ҳуқуқ-тартибот органлари ва ишлаб чиқариш соҳаларига ишга юборилдилар.

Ҳуқуқшунос кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш масаласини ҳал этиш, ҳуқуқий тарғиботни янада кенгайтириш ишларида Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июнь кунидаги «Ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги 364-сонли қарори муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқий мавзудаги адабиётларни яратиш ва кенг тарғиб қилиш фуқа-

1 2 3 4

Ўзбекистонда Корея маданияти кунлари

Халқлар дўстлиги намойиши

Кеча республикамизда Корея маданияти кунлари бошланди. 26 сентябргача давом этадиган ушбу байрамда турли кечалар, учрашувлар, кўргазмалар, халқ ўйинлари, китоблар намойиши, кинофильмлар тақдим этиш, анъанавий халқ ўйинлари ва қўшиқларидан иборат концертлар бўлиб ўтади. Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Жанубий Корея дўстлигини янада мустаҳкамлашига шубҳа йўқ.



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жанубий Кореянинг илғор технологияси Ўзбекистонга келтирилмоқда. Масалан, Асакада бунёд этилган «ЎзДЭУавто», «Кабултекстайлз» қўшма корхоналари ва бошқаларни айтиб ўтиш кифоя. Иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб борган сайин маданиятлар дўстлигига ҳам эътибор кучаймоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган Корея Республикаси кунлари фикримиз далилидир. Ушбу тантанага Корея Республикаси санъат арбоблари уюшмасининг 15 нафар аъзоси ташриф буюрди. Унга Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлик қилмоқда.

Тадбир доирасида санъатшунослик институтида кореялик рассомлар асарлари кўргазмаси уюштирилиб, унда 150 та асар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Ўзбекистонлик мўйқалам усталари ҳам ўз асарларини намойиш этишади. Байналмилал маданий марказда эса Корея китоблари ва расмлари кўргазмаси ташкил этилади. Кўпгина кинотеатрларда Кореяда ишлаб чиқарилган кинофильмлар кўрсатилади. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри саҳнасида эса корейслар-нинг классик ва замонавий қўшиқлари янграйди. Жозибадор рақслар ўзбек томошабинларига маъқул бўлади, деган умиддамиз.

Суратда: Кореядаги йирик халқ маданияти саройларидан бири.



1. Ўйлаб топилган кема ҳалокатлари

1987 йил, март. Дунё матбуоти Атлантика уммонида Мексиканинг юк ташувчи «Тукспан» кемаси изсиз йўқолганлиги ҳақидаги шов-шув хабари билан буниннг тирқиши сал кўрингандек бўлади.

1980 йил, 17 январь. Атлантика уммонининг Сенегал қирғоғида «Салем» супертанкери қутилмаганда чўкиб кетди. У Ллойдда йирик суммага — 84 миллион долларга суғурта қилинган эди. Шу важдан тезда қидирув ишлари бошлаб юборилди, ҳатто Интерпол ҳам бу ишга жалб этилди. Хўш, натижа нима бўлди? Даҳшат бўлди. «Қутилмаган бахтсизлик» оқибатида чўкиб кетган супертанкер воқелигида ўта йирик ўғирлик, фирибгарлик занжири чувалашиб ётарди.

Аниқланишича, «Салем» «бирдан чўкиб» кетишдан аввал ўз номини «Лема» деб ўзгартириб, Жанубий Африка Республикасига қараб жўнаган. Экипаж у ерда 200 минг тонна Қувайт нефтини махфий равишда сотиб, ўрнига кемага денгиз суви ортган ва Атлантика уммонининг 4300 метрлик қаърига чўктириб юборган. Ўзлари эса киналар»нинг илоҳий кучларига тўнкариб қўя қолишади, ўша «зона»лар ҳақида бошни қотирувчи турли-туман миш-мишлар тарқатишади. Аслида эса суғурта компанияларининг изқуварлари айтишича, бешта воқеадан иккитаси атайлаб чўктирилган бўлади. Ташқаридан қараганда табиий ҳалокат юз бергандек туюлади, лекин ҳақиқатда эса улар криминал характерга эга бўлади.

Ўзингиз сезганингиздек, денгиз бизнеси фирибгарлигининг усуллари оддий: кемани арзонга сотиб олиб, ёки ёллаб, бозори чаққон, лекин қимматбаҳо товар юкланади ва қимматига суғурта қилинади. Сўнг йўлга чиққач, «қутилмаган фожиа»ни ташкиллаштирилса бас. Ёки бошқача — кема номини ва ҳужжатларини ўзгартириб, мўмай даромад қилаётганлар камми?

1984 йил, март. Юкхонасида Лотин Америкасидаги аллақандай манзилгоҳлар ёзилган 25 та контейнер билан «Мисс Анни» кемаси Швед байроғи остида Лиссабондан йўлга чиқади. Аммо ярим йўлда кема соҳибининг авзойи ўзгаради ва Дурбан (ЖАР)га қараб йўл олади, албатта махфий равишда. Денгизчилар кема номини бир зумда ўзгартиришади. Негаки, бу иш учун катта миқдорда пул олишади ва ҳатто бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмаслик учун «тантанали ваъда»лар беришади. ЖАРда кема капитанига сохта ҳужжатлар тайёрлаб қўйишган эди. Ушбу ҳужжат бўйича кема юклари Мапуту (Мозамбик)да туширилганди.

Вақти-соати етиб бу фирибгарликнинг ҳам сири очилиб қолди. Ўша пайтда денгизчилар сафидан бўшатилган швед полициячиси бу ҳақда ҳақиқатни айтиб беради. Маълум бўлишича, Преторияда Мозамбикка қарши куч тўплаш ва туйқус ҳужум уюштиришни амалга ошириш учун ЖАРга қурол-аслаҳаларнинг навбатдаги партиясини олиб келган экан. Кейинчалик қўплаб ғарблик ишбилармон доиралар , концернлар ЖАР билан яширин ҳарбий-савдо алоқаларини кенг йўлга қўйганлиги, ушбу операция иштирокчилари ҳам ўшалар эканлиги аниқланди. Ва нафақат Ғарб ЖАР билан яширин савдо алоқаси ўрнатган, балки бошқа давлатларга ҳам яширинча қурол-яроғ сотиларди. Масалан, Швециянинг «Бофорс» компанияси Эронга қора-даллоллар ёрдамида мингта «Ер-ҳаво» ракетасини ва юзлаб тонна портловчи моддалар ҳамда порох сотганлиги ошкор этилди.

Яширин иш кўриш ва қаллоблик бўйича бой тажрибага эга бўлган халқаро контрабанда бизнес тармоғи Ғарбий Европа, АҚШ ва Исроилнинг Эрон ва ЖАРга ҳарбий аслаҳалар сотишида катта кўмак берар эди. Жиноятни яшириш, диққат-эътиборни унинг занжирларидан чалғитиш мақсадида турли-туман ёлғон уйдирмаларни тўқиб чиқаришар, ҳатто уммоннинг илоҳий жойлари ҳақида сафсата сотишарди. Бу овозаларга лаққа тушган лақмалар эса «Бермуд учбурчаги» ёки «Денгиз шайтони» ҳақида оғиз кўпиртиришарди, ҳатто оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишарди. Масалан, ўша пайтда Япония яқинида «Денгиз шайтони» мавжудлиги тўғрисида овозалар тарқалди. Гўё бир қанча кемаларни ютиб юбормоқда эди. Бироқ бу жойнинг аниқ «координат»лари ҳали ҳануз маълум эмас.

Зулхумор СУЛТОНОВА тайёрлади



Эртага — Саудия Арабистони Қироллиги ташкил топган кун

«Қора олтин» қироли

Икки аср мобайнида мамлакатда ҳукумат учун қонли ички низолар давом этди. Ниҳоят, Абдул Азиз Ол—Сауд Нажд, ал—Хаса, Асир ва Хижоз минтақаларини ўз ҳукмронлиги остига бирлаштирди ва 1932 йил 23 сентябрда Саудия Арабистони Қироллигини ташкил этди. Жаҳоннинг кўплаб тараққий этган мамлакатлари янги давлат мустақиллигини эътироф этдилар. Қирол Абдул Азиз АҚШнинг «Standard Oil Company of Califonia» ширкатига мамлакатнинг табиий заҳираларини қидиришни топширди, 1933 йилда эса Заҳрон (Даммом) ва Абу Хадрия (Шарқий вилоят)да кутилганидан ҳам зиёд нефть заҳиралари топилди.

Саудия Арабистонининг ҳозирги қироли Фахд ибн Абдул Азиз 1982 йил 13 июнда ҳокимият тепасига келди, укаси Абдуллоҳ эса, валиаҳд ҳамда Бош вазир ўринбосари этиб тайинланган. Мамлакат тарихида ўтган ҳар бир қирол юрти тараққиёти учун сезиларли ҳисса қўшган. Масалан, Сауд даврида маиший хизмат тизими вужудга келган бўлса, Файсалнинг қироллиги давомида Саудия Арабистони саноат ривожида йирик ютуқларни қўлга киритди. У иқтисодни барқарорлаштирди ва Арабистони иқтисодий ишлаб чиқаришининг 40 фоизини ташкил этади.

Саудияликлар денгиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам экспорт қилади. Қироллик озиқ-овқат, машина, ҳарбий технология ва транспорт воситаларини асосан АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядан импорт қилади.

Қироллик мудофаасида АҚШ қуролли кучлари сезиларли ўрин эгаллайди. Қироллик АҚШ дан кўпмиллиард долларлик ҳарбий қурол-аслаҳа олади, малакали ҳарбий мутахассисларни жалб этади. Бундай савдо АҚШ учун жуда катта даромад манбаидир.

Саудияликлар мустақил Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг йирик минерал хомашё салоҳияти саудияликлар эътиборини жалб этмоқда. Уларда республика энергия ресурсларини қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилишга қизиқиш катта.

Ўзбекистонлик турли малакали мутахассислар Саудия Арабистони халқ хўжалигининг турли тармоқлари, таълим-тарбия тизимида ўз тажрибаларини намойиш этишлари мумкин.

«Қора олтин» Қироллиги хазинасининг молия воситаларини республикамиз иқтисодига жалб қилиш учун қулай фурсат яралмоқда. Саудия сармояси ҳамкорлигида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, молия институтлари ташкил этиш, саноат корхоналари ва замонавий иншоотлар барпо қилиш мумкин.

Саудия Арабистони саноат ва истеъмол маҳсулотлари бозори аллақачон юзлаб Америка, Германия, Япония компанияларитарафидан ўзлаштирилган бўлса-да, республикамизнинг ортиб бораётган ишлаб чиқариш салоҳиятини кузатиб, келажакда миллий маҳсулотларимиз Саудия бозорларидан ўз харидорларини топишига ишонч билдириш мумкин.

Мирзааҳмад МИРАБЗАЛОВ

Маданият

ҳуқуқи» каби газета ва журналларнинг нусхалари етарли эмас. Телевидение ва радиоорганлари ҳам бу соҳада кескин бурилиш ясамаётир. Аслида эса бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот масаласи ҳар бир шахснинг кундалик ишига айланмоғи лозим эди.

Амалиётда ишлаб юрган ҳуқуқшунослар Божхона ҳуқуқи, Транспорт ҳуқуқи, Ҳўжалик ҳуқуқи, Халқаро ҳуқуқ, Шартномавий ҳуқуқ, Молия ва солиқ ҳуқуқи, Интеллектуал мулк ҳуқуқи каби янгидан пайдо бўлаётган ҳуқуқ фанлари мазмунидан бехабар қолаётирлар. Бугунги кунда ҳуқуқшунос кадрларнинг етишмаётганлиги ҳам сир эмас. Масалан, республикамизда адвокатлар АҚШдагига нисбатан 55 марта кам, Германияда судялар бизга нисбатан 6 марта кўп бўлиб, ҳар 80 минг фуқарога биттадан судья тўғри келади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сиёсатининг тўғри юритилиши ҳам фуқаролар ҳуқуқий маданиятини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Адлия вазирлиги қошида Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти қошида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, Республика прокуратураси ҳузурида ўқув маркази, Давлат Божхона қўмитасининг ўқув маркази юристлар малакасини ошириш масалалари билан шуғулланиб келмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини аниқлаш масалалари билан шуғулланиб келмоқда.

Бизнингча, ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг тўғри йўлга қўйилиши ҳуқуқий маданиятни бир маромда кўтаришга олиб боради. Республикада ҳуқуқшунос олимлар, юқори малакали журналист-ҳуқуқшуносларнинг етишмаслиги ҳам бу соҳада анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу олимлар ҳам асосан Тошкент, Самарқанд, Нукус шаҳарларидаги ўқув юртларида таълим бериб келмоқдалар. Туманлардаги қишлоқ мактабларида эса ҳуқуқий таълим асосан махсус ҳуқуқий билимга эга бўлмаган ўқитувчилар томонидан олиб борилаётир. Зеро, жамиятда ҳуқуқий умумтаълим жорий этилмас экан, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришда анча қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Мулоҳаза

Миллий дастурда «Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ» дейилади. Тоталитар тузумдан фарқли ўлароқ мустақиллик даврида қонунлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳамда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши, қонунларнинг парламентдаги очиқ муҳокамасидан кейин ҳам бир неча ўқиш ва босқичлардан сўнг қабул қилинишининг ўзи ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим жараён ҳисобланади. Айниқса, жамоат ташкилотларига бирлашган фуқароларнинг ҳам қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишлари бунинг мисолидир. Фуқаролар, жамоат ва давлат ташкилотлари ҳаётимиз учун зарур бўлган қонунларнинг қабул қилиниши, қонунларнинг мазмуни ҳақида ўз фикрларини очиқ, эркин билдирмоқдалар. Ҳозирги вақтда ҳатто касбга доир муносабатларни тартибга соладиган бир қатор қонунларнинг қабул қилинишида ҳам шу касб эгаларининг фаоллиги ҳуқуқий маданиятнинг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Қонунчиликни тарғиб ва ташвиқ қилишда ҳуқуқшунос кадрлар, ўқитувчилар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа шу каби жамоат бирлашмалари фаоллари фидойилик кўрсатишлари муҳимдир. Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, «Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим» дея яна бир бор таъкидлади. Қолаверса, қишлоқ ва маҳаллаларни радиолаштириш ҳам катта самара бериши мумкин. Мактаблар, маҳалла ва гузарларда «қонун маърифати» соатлари, кунларини ўтказиш, очиқ эшиклар кунларини ташкил этиш лозим. Ҳуқуқий адабиётларни жойларда ҳам чоп этиш, тарқатиш масалалари қайтадан кўриб чиқилмоғи керак. Мактаб ўқитувчилари орасидан қонун маърифати дарсларини олиб бориш учун алоҳида, иқтидорли ўқитувчиларни танлаб олиш, қайта тайёрлаш масалалари ҳам кўриб чиқилмоғи даркор. Бутун мамлакат бўйлаб ҳуқуқий маърифат ишлари ўтказилмас экан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда яна бошқа муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Маърифатли халқнинг келажаги ёруғ, давлати буюк, овози баланд бўлади. Биз дунёга ўз қонунларимиз, маданиятимизнинг улуғлиги ва бетакрорлигини ғурур билан намойиш этишга, уни фахр билан кўз-кўз қилишга ҳақлимиз. Зеро, биз жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк аждодларнинг ворисларимиз.

Бобоқул ТОШЕВ, ҳуқуқшунос

Отувга ҳукм қилинди

Тожикистон Республикаси Олий судининг қарорига биноан ҳукуматга қарши қуролли гуруҳларнинг фаол раҳбарларидан бири Абдуғаффор Худойдодов отувга ҳукм қилинди. «Мулло Абдуғаффор» тахаллуси билан мамлакатда машҳур бўлган Абдуғаффор Худойдодов давлат тузумини зўрлик билан ўзгартириш, ватанга хиёнат қилиш, терроризм, гаровга ушлаб турганлиги учун жазога тортилди. Илгари Мулло Абдуғаффор Бирлашган Тожикистон мухолифати сафига қўшилган эди. Кейин эса, муҳолифат раҳбарлари билан келишолмай қолиб Афғонистонга ўтиб кетган эди. 1996 йилнинг охирида эса Абдуғаффор таниқли террорчи Ризвон Садиров жангчилари билан бирга Тожикистонга қайтиб келганди ва БМТнинг ҳарбий кузатувчиларини гаровга олган эди.

1997 йилнинг бошида жиноятчи ҳибсга олинди ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Ўзбекистон довруғини ёйгувчи нашр

Шу йилнинг январь ойида республикамиз ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастури доирасидаги қўшма лойиҳа асосида Иқтисодий тадқиқотлар маркази ташкил этилган эди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даври ижтимоий-иқтисодий жараёнларини ўрганиш, тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тажрибаси ҳамда чет эл иқтисодий тажрибаларидан фойдаланиш борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиб, тақдим этиш, шунингдек халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан қўллаб-қувватлашдек хайрли юмушни уюштириш — мазкур марказнинг асосий мақсад-вазифасидир.

Ўтган вақт мобайнида Иқтисодий тадқиқотлар маркази бир қатор давлат (ҳукумат) ҳамда нодавлат ташкилотлар, жумладан Жаҳон банки, БМТ, Германия техник ҳамкорлик жамияти буюртмаларини бажарди. Марказ ўн бешдан ортиқ муҳим хулоса ва ҳисоботларни тайёрлади. Улар иқтисодий ҳаётимизнинг турли соҳаларини қамраб олади.

1998 йил январдан бошлаб Иқтисодий ислоҳотлар маркази чораклик илмий-амалий нашр — «Экономическое обозрение» («Иқтисодий шарҳ») журналини чоп этмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси журнал муассисидир. Журнал ҳозирча инглиз ва рус тилларида босилади. Яқин орада ўзбек тилида ҳам тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Журнал тадбиркорлар, давлат хизматчилари, иқтисодчи-амалиётчилар, иқтисодчи-назариячилар, ўқитувчи, талабалар, қолаверса иқтисоднинг долзарб муаммолари-ю, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Унда мақолалар, таҳлилий хулосалар, маҳаллий ва чет эл кузатувчилари, тадқиқотчиларининг илмий, иқтисодий, ижтимоий чиқишлари бериб борилади. Солиқ сиёсати, банк тизими ва молиявий бозор, меҳнат бозори, ижтимоий, ташқи иқтисодий сиёсат каби соҳалар журнал саҳифаларида мунтазам ёритилади. Ҳар сонда турли соҳаларнинг статистик маълумотлари бериб борилади. Бугунги кунда журнал нафақат мамлакатимизда, балки чет элларга ҳам тарқалмоқда.

Рашид АКРАМ

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 22 sentyabr, seshanba № 114 (23.351).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош соврин яна Лондонга «йўл олди»





Бир ҳафта давом этган қизғин беллашувлар ажойиб теннис оқшоми билан якунланди. Пойтахтнинг «Юнусобод» теннис кошонаси якшанба куни ҳар қачонгидан гавжумлашди. Мухлислар орзиқиб кутган ҳал қилувчи учрашув кутилгандан зиёда қизғин ва муросасиз тус олди. Гап шундаки, кўпчилик москвалик моҳир теннисчи Евгений Кафельниковнинг омади чопган, деб ўйларди. Бултур бу теннисчи курашни чорак финалгача етказгани маълум. Бу сафар финал учрашувига етишди. Унинг рақиби, ўтган йили «Президент кубоги»ни қўлга киритган лондонлик Тим Хенманнинг эса яна ҳал қилувчи баҳсгача етиб келишини ҳеч ким кутмаганди. Боиси, ярим финалда франциялик Николас Эскудо Хенманни доғда қолдирса керак, деган мулоҳазалар билдирилувди. Зеро, Тим анойилардан эмаслигини амалда кўрсатди.

Финалгача Кафельников германиялик Мартин, ЖАР дан келган Наинкин, аргентиналик Гастон ва ярим финалда франциялик Пиолинлардан устун келиб, сўнгги ғалабага катта умид боғлаган эди. Хенман эса мусобақа бошида исроиллик Велгрин билан Эйэл, италиялик Пессолидоларни доғда қолдирган. Шундай қилиб, финалда Тошкент турнирига келганлар орасида халқаро рейтинг бўйича энг юқори 10 ва 11 ўринларни эгаллаб турган Кафельников билан Хенман учрашдилар. Мухлислар эса бу икки теннисчининг шу пайтгача ўзаро учрашувларида устунлик Кафельников томонида (5:2) эканини яхши билишарди. Хўш, бу сафар кимнинг омади чопаркан.

Дастлабки учрашувнинг 12 гемга чўзилиши ҳам ғолиблик учун баҳснинг ниҳоятда қизғин тус олганидан нишона. Томонлар ниҳоят эҳтиёткорлик билан, фаросат ва маҳорат билан ҳаракат қилишди. Гоҳ кучли зарб билан, гоҳ нафис усуллар билан очколар тўплашга интилиш катта эди. Зеро, ҳисобни Хенман очди. Кўп ўтмай Кафельников тенглашиб олди. Кейин яна Тим олдинга ўтди. Шундан кейин гемлар қуйидаги рақамларда ифодаланди: 2:2, 2:3, 3:3, 4:3, 5:3, 5:4, 5:5, 5:6, 5:7. Кўриниб турибдики, Хенманнинг жуссаси Кафельниковга қараганда ихчамроқ бўлгани билан у бир йилдаёқ маҳорати анча ўсгани, майдонда эркин ҳаракат қилишга ўргангани, муҳими воқеликка инглизча босиқ ва совуққонлик билан ёндоша олишини кўрсатди.

Иккинчи учрашувда Кафельников бўш келмаса керак, деган фикрга бордик. Ҳақиқатда ҳам икки гем мобайнида устунликка эришиб турди. Учинчи гемдан бошлаб ҳисоб Хенман фойдасига ўзгараверди: 2:1, 3:1, 3:2, 4:2, 4:3, 4:4, 4:5,4:6. Шундай қилиб кучли зарбларида кичик тўп тезлигини соатига 200 километрдан ошира олган Хенман учун теннис буваси Генри Биллингтон ҳалигача Уимблдон турнирида қатнашиб туради. Демак, Хенманга теннис ўйнаш қондан ўтган десак муболаға бўлмас. У эмас, бу эмас мухлислар Тошкент турнирида иккинчи марта ғалаба завқидан баҳраманд бўлган Тимни самимий олқишладилар.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида ҳар иккала теннисчига зарбоф тўн ва дўппи кийгизилди. Тошкентга яхши умидлар билан келган италиялик Стефано Песолидо бултур Хенманнинг қўлга киритган ютуғи муносабати билан газеталарда босилган унинг тўн дўппили тасвирини кўргани ва Тошкент турнирига ҳавас қўйганини эътироф этган эди. Бу сафар «Президент кубоги» учун мусобақанинг халқаро аҳамияти ошиб, унинг иштирокчилари сафи кенгайиб бораётгани яққол сезилди. Бош совринни бағрига босиб турган Хенман ҳар сафар ҳам Тошкент мусобақасининг файзи ва таровати ўзгача бўлаётгани ҳақида гапириб, учинчи марта келишга ваъда берди. Кафельников ҳам учинчи гал бош соврин меники бўлар деган умидда эканини яширмади. Шу куни минглаб мухлислар унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Марҳабо, фестиваль!

Шу кунларда халқаро симфоник мусиқа фестивали довруғи кўнгилларга рўшнолик бағишлаб ўлкамизда кезиб юрибди. Дунё мусиқа санъатининг аҳамияти, айнки маданият соҳасида, балки сиёсат соҳасида ҳам муҳим ўрин тутади. Ривожланган давлатларнинг маънавий баркамоллигини кўз-кўз этувчи манбалардан бири ҳам мусиқадир. Шу ўринда ҳукуматимиз раҳбарияти мазкур фестивални ташкил этиб халқимиз, миллатимиз учун савобли ишга қўл урди. Эндиликда ўзбек мусиқашуносларини дунё танийдиган, мусиқасини ўрганадиган бўлди.

— Биз асосан ғарб мусиқасини миллийлаштириб, халқимизнинг руҳиятига мослаб янги-янги куйлардан концертлар тайёрлаймиз, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат миллий симфоник оркестри Бош директори, оркестрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов. — Бетховен, Моцарт, Шопен, Чайковский ва бошқа классик композиторларнинг асарларини миллийлаштирган марҳум Мирсодиқ Тожиевнинг симфоник оркестримизни истиқболини юксалтиришда хизматлари катта бўлган.

Ҳа, ҳар бир миллатнинг ўз келиб чиқиш тарихи, кечмиши, турмуш тарзи мавжуд. Шу қатори миллий мусиқа асбоблари, уларнинг ўзига хос оҳангдорлиги бор. Шунинг учун куйнинг миллати бўлмайди, уни ҳар бир давлат ўзиники қилиб, тўғрироғи ўзига мослаб янгилайверади.

— Шу қатори ўзимизнинг композиторлар ҳам миллий симфониялар яратишди. Мен композитор Рустам Абдуллаевни алоҳида таъкидлагим келади. Баъзида ўйлаб қоламан, бизнинг ҳам симфоник куйларимиз жаҳон симфоник куйлари билан бемалол баҳслаша олади, уни фақат дунёга олиб чиқаолсак бас. Юртбошимизнинг спортга, маданиятга катта эътибор бераётгани, уни дунё миқёсига олиб чиқишга ҳаракат қилаётгани, фақатгина маданият, спорт аҳлига эмас, бутун халқимиз учун унутилмас воқеадир, — дейди Исмоил Жалилов.

Мен эса халқаро симфоник мусиқа фестивалининг Тошкентда ўтказилиши мустақиллигимизнинг яна бир ютуғи дегим келади.

— Ўтган йили Туркияда Мустафо Камол Ота Турк хотирасига бағишланган халқаро симфоник оркестри фестивалида қатнашиш бизга ҳам насиб қилганди. Концерт тугагач икки кун бизни олиб қолишди. Кўшимча концерт бердик. Биринчи ўринни олдик. Бу йил продюссор Меҳметбейдан хат олдик, унда айтилишича келаси йили Жанубий Африкада бўладиган симфоник оркестри ижросидаги мусиқа фестивалига бизни ҳам таклиф қилишибди, — Исмоил аканинг қувончи чексиз, чунки дунё мусиқашунослари орасида эътибор қозонишнинг ўзи бўладими.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Чексиз имкониятлар

Ереванлик Самвал Гарибян бир пайтнинг ўзида бирданига мингта чет тили сўзларини ёдлаб қолиши мумкин.

1982 йили Александр Алехин бирданига 32 киши билан шахмат ўйнаган ва шахмат тахтасига қарамасдан ўйнаб ҳам ғолиб бўлган.

Академик А. Ф. Иоффе 30 миллион рақамли логарифмни ёддан биларди.

Иван Поддубний (1871-1933) устида чавандоз ўтирган отни, сўнг 20 нафар одам ўтирган платформани кўтарган. Иван Зошкин эса (1880-1948) поезд рельсини қўли билан эгарди. Якуба Чеховский билагида 6 кишини бемалол кўтарарди, кўкси устидан одамлари билан учта юк машинаси ўтарди. Шунингдек, у 30 мусиқачи ўтирган кўприкни ҳам кўтарарди.

Александр Засс (Самсон) қорнига мушт уриб, ўзини йиқитган кишига 25 фунт стерлинг таклиф қилганди. Бу баҳсда профессионал боксчиларгина қатнаша олардилар. Бир машҳур боксчи ўзини синаб кўрмоқчи бўлди, аммо бармоқлари синиб қолди. Бундан ташқари, Засс мих қоқилган тахта устида ётиб, 500 кг. юк кўтарарди.

Атлет Николай Турбас бир-бирига боғлаб қўйилган уч бақувват эркакни жимжилоғ билан кўтара оларди.

1907 йил июлида полвон Терентгей Корень шер сақланадиган қафасга кирди. Йиртқич полвонга ташланди, унинг даҳшатли тишлари ва тирноқлари Терентийнинг баданига санчилади. Бироқ, полвон ҳам бўш келмади, шерни даст кўтарганича бор кучи билан ерга урди. Йиртқич тил тортмай ўлди. Бу томоша учун Корень ягона «Шерларни енггани учун» медалини олди.

Атлет Фёдор Весов 1905 йили елкаси билан паравозни сурди. Павел Кесьянов эса Мадрид цирки аренасида қутурган буқа билан олишди ва пайтини топиб, бир мушт билан буқани ўлдирди.

16 ёшли Велхил Сулуашвили тиши билан 40 тонна юк боғланган тросни тортган.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган «Al-FARIS» хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*

Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-11
Пейжер: (067) 90-79

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 44-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Қудрат Шуҳратович Файзиев номига берилган А № 547644 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюроси Олий Мажлис депутати, Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлагановга волидаи муҳтарамалари
НУРИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Тошкент шаҳар ҳокими Козим Носирович Тўлагановга онаси
Нури ая ТЎЛАГАНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Илк учрашув

БУ ЁРУҒ ДУНЁ ГЎЗАЛ

Юрагин тубида ардоқлаб,
Ўз бахтин фарзандга улашган.
Тонггача бизларга термулиб,
Борлиғин унутган,
Дуолари ижобат бўлган онажон.
Ойдан-да ардоқлаб ўстирган.
Кундан-да қўриқлаб ўстирган.
Денгизлар тубидан дур терган.
Боқиши оламга нур берган,
Сенга мен жонимни тикай,
онажон,
Изларинг саждагоҳ этай,
онажон.

* * *

Тиниқ чашмаларга
ювиниб саҳар,
Наҳорда ҳаётга ризқин улашар.
Инсонлар эрта-тонгги
насиба териб,
Тонг билан юракни поклашар,
Шабнамни симирган
бу нозик куртак
Тун билан тузишди
ажойиб эртак.
Ой юзида зиё-кўнчиди доғлар.
Истиқлол нуридан
қалқиган тоғлар,
Гўзал эди бу ёруғ дунё,
Юракка ёғар қувончли зиё.
Заррин нурларини
тарайди қуёш,
Она-ер бағрига қўйганида бош.

Гавҳар РАҲИМОВА,
Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Ойбек номли мактаб ўқувчиси

Инсон хотираси азиз

Армон



Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Ушбу мисралар қўшиқ қилиб куйланган маҳал ҳар биримизнинг қалбимизни қандайдир андуҳ чулғаб ўтиши бор гап. Етганимизга шукрона айтамиз, етолмаган ёр-дўстларимиз ҳақида бир бора армон билан ўйлаймиз. Аслида, қалбимизга таскину тасалли бергувчи яна бир руҳ устувор, бу кунларга жисман етиб келолмаган бўлсаларда руҳан яшамоқда ўша жигарбандларимиз. Роппа-роса ўн йил бурун ажойиб дўстимиз Уролбой Мавлоновни бой бериб қўйган эдик. Шафқатсиз ажал айни қирчиллама қирқ ёшида дўстимиздан бизни жудо этган эди... Ортидан жигаргўшалари, жуфти ҳалоли Комилахон, дўстлари зор йиғлаб қолгандилар. Барибир, армон армонлигича қолмади. Кимдир унга бас келаётгандек. Армон яраларига малҳам бўлаётгандек. Раҳматли Уролбойни бугунги кунгача руҳан яшаши учун курашаётган вафодори Комилахон, бошқа дўстлари бор экан — армонга ўрин қайда!

Эллик ёш — инсон умрида ўзига хос поғона. Бу ёшга эсон-омон етганлар албатта «юбилей тўйи» қилишлари ўзига хос удум. Сўнг, олтмишдан ошишга, етмишга етишга, саксондан сакрашга, тўқсон билан тўқнашишга, юз билан юзлашишга тилаклар айтиларверди. Уролбой ҳам ҳаёт бўлганида бошқа тенгқурлари қатор шундай ажойиб тилакларни ўз қулоқлари билан эшитган, ҳаётдан сармаст бўлган бўларди.

Уролбой туғма қобилият соҳиби эди. Ташкилотчиликда унинг олдига тушадигани топилмасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам бошқаларни ўз ортидан эргаштира оларди. У бошлаган ташаббус ҳеч вақт беиз кетмасди. Асли касби кимё ўқитувчиси бўлган дўстимиз бир неча йил мактабда фаолият кўрсатгач, 1979 йили Пойариқ туман партия қўмитасига ишга таклиф қилинди. Дастлаб йўриқчи бўлган Уролбой кўп ўтмай ташкилий бўлим мудири, сўнг туман халқ назорати қўмитаси раиси лавозимига кўтарилган эди. Унинг келажаги порлоқ эди. Афсус...

Кўнгилга таскин бергувчи руҳ устувор, дедик. Бу — ўтганлар охиратига дуо қилиб тургувчи, уларнинг ҳаётлигидаги эзгу ишларини давом эттиргувчи жигарбандлари шод эта билган руҳ. Уролбой Мавлоновнинг камтар-камсуқум юриш-туришлари, ташаббускорона меҳнатларини ҳамиша абадийлаштириб, ёдга солиб турадиган савобли иш қилганди ўшанда. Яъни, у ўқитган Пойариқ туманидаги бўрта мактабга номи берилган, бежиримгина лавҳа ўрнатилган.

Яқинда мазкур мактабда Уролбой Мавлоновнинг ёркин хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Кечада марҳум дўстимизнинг тенгқурлари, ёр-биродарлари, оиласи ва бошқалар қатнашиб, дил сўзларини изҳор этдилар. Шуниси қувончлики, мазкур мактабда Уролбойнинг ёш издошлари ҳаётга дадиллик билан қадам қўйишаётир. Ўнлаб истеъдодли ўғил-қизлар сийратида марҳум устозлари руҳи сезилгандек бўлади.

Уларга ўша аччиқ қисмат ҳеч вақт раво кўрилмас, аммо, бахту иқболда устозлари йўлини бераверсин, дея тилак билдиргинг келади. Бундай тилаклар ҳам Уролбойнинг покиза руҳини шод этса не ажаб.

Тўлқин ЭШБЕК,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Кони фойда ўсимлик

Жорий йилда Сариосиё туманида буғдойдан бўшаган лалми ва суғориладиган майдонлардан минг гектарига кунгабоқар экилган эди. Натижа кўнгилдагидек бўляпти. Ҳосил бўлиқ. Мақсад эса ҳар гектар майдондан 1 тоннадан кунгабоқар ёғи олиш.

— Бу тажриба тариқасида экилган эди, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Фахриддин Низомиддинов. — Кони фойда экан. Ўсимликдан ёғ, ҳолва ҳамда озуқа олиш мумкин. Мутахассислар билан ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Ҳар гектар майдондан 200-250 минг сўм соф даромад бўлади. Кунгабоқарни қайта ишлаб, ёғ олиш йўлларини ҳам хорижликлар билан келишиб олдик. Кичик-кичик цехларни олиб келмоқчимиз. Бу халқимизнинг рўзғорини бут бўлиши билан бир қаторда катта даромад манбаи ҳамдир. Келажакда эса лалми майдонларда янада кўпроқ кунгабоқар экилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ана сизга **«Афанди»**

Янги нашр



Замона зайли билан бобо «Афанди» тағин эл-улуси орасига қадам ранжида қилди! У энди кулгусевару латифабоз дўстлари билан ўзининг номига қўйилган газета орқали мунтазам учрашиб туради. «Муштум» журналига илова тарзида чиққан мазкур газетанинг дастлабки сонлариёқ мухлислар орасида қўлма-қўл бўлиб кетгани бежиз эмас.

Афанди азалдан халқ фарзанди сифатида эътироф этилган. Узоқ йиллик «шўро замони»да у ҳам тўнини «тескари кийди», онда-сонда «Муштум» журнали саҳифаларидан туриб айқаш-уйқаш замонга мўралаб қўйгандек бўларди. Юртимиз истиқлолининг етти йиллик тўйида у росмана майдонга чиқди. Энди мухлислари ҳар ҳафта «Афанди»нинг ичакузди ҳангомаларидан баҳраманд бўлаверадилар.

«Афанди»нинг 1-сонида таниқли шоир Омон Матжон «Бухорода Насриддин Афандига ҳайкал» деган зўр шеъри билан «чиқиш» қилган. Раҳматли Муҳиддин Дарвиш ҳангомалари ҳам чакки бўлмаган. Тўра Сулаймоннинг «Гапдан гап...» сарлавҳали қироламалари, А.Жўрабоевнинг «Ишқий латифалар», Кибриё Қаҳҳорованинг «Форс табассуми», Озод Шарафиддиновнинг «Брежнев халқ артисти бўлганми?» сарлавҳали таржималари ҳам ўқувчиларнинг қитиқ патларига тегмай қолмаса керак-ов.

Газетанинг сўнгги сарлавҳасида «Латифалар танлови» эълон қилингани хўб савоб иш бўлган. Негаки, элимиз орасида Афандининг ҳақиқий издошлари кам эмас-да.

Ҳар тугул, қадриятларимиз қад ростлаётган шундай замонда «Афанди»нинг ҳам кўплар қаторида нори борлигини кўрсатгани бағоят савоб бўлган. Биз ҳам камоли эҳтиром ила айтар сўзимиз шулдир: қалбимизнинг тўридан мангу жой олавер, «Афанди!».



Овга сабр-тоқат керак

Саъдулло БОБО олган сурат

Газетанинг навбатдаги сони 26 сентябрь — шанба куни чиқади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир уринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55,133-47-80.
факс — 133-38-55,133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухородa — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Тўлқин ЭШБЕК,
навбатчи
Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Баҳтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0313

Босмага топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА